



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2001 йил 4 июль, чоршанба

№52 (11.337)

Эркин нарҳда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ 2001 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2001 йилнинг 1 августидан бошлаб: бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлири талабаларининг, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлири ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,4 баравар; барча турдаги пенсиялар - ўрта ҳисобда 1,45 баравар оширилсин.
2. 2001 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида: энг кам иш ҳақи - ойига 3430 сўм; ёшга доир пенсия - ойига 6780 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич /нулинчи/ разряд - ойига 3430 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 6780 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа - ойига 4110 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устава ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 2001 йил 1 августдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги: вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ва муассасалар билан биргаликда мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошларини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан бирга Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда мазкур Фармонда иш ҳақи 1,4 баравар оширилиши кўзда тутилганлигини ҳисобга олиб, врачлар, кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари иш ҳақининг янги миқдорларини, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткаси бўйича бир разряд оширилишини тасдиқласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ ҳаражатлар тегишли равишда республика давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда 2001 йилги Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳаражатларига тегишли тузатишлар киритсин.

6. Ҳўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш базавий фондининг белгиланган миқдорларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан 2001 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2001 йилнинг 1 августига қадар амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган зарур ўзгаришларни киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 23 июндаги ПФ-2644-сон Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2001 йил 29 июнь.

10 АСРГА ТАТИГУЛИК МИЛЛАР

1. Камолот одимлари

Мустақил мамлакатимизнинг азм пойтахти атрофида маржондек тизилиб турган юлдуз шаҳарлар ичида Чирчиқ ўз салобати, мақомининг мустақамлиги, замонавий, йирик саннат тармоқлари билан ажралиб туради.

Унинг бағрида барпо этилган кўпчилик корхоналар ноёб, муайян тармоқнинг етакчиси ва байроқдорлари ҳисобланади. Чирчиқнинг тарихи мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантириш тарихи, серкўёш диёримизни электрлаштириш тарихи, унда кимё санатини барпо этиш учун кураш тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

Гидроэнергетик ресурсларга бой Чирчиқ дарёси қадимдан мутахассисларнинг эътиборини жалб қилиб келган, факатгина ўтган асрнинг йиғирманчи йилларидан бошлаб шу ресурсларни урганиш ва ўзлаштириш бўйича қидирув ишлари бошланиб кетди. Орадан кўп ўтмасдан бу ерда гидро электр станциялари қуриш ва шу асосда ишлайдиган кимё санати корхонасини бунёд этишга киришилди. Шундай қилиб, 1940 йилнинг ноябрыда Чирчиқ электростанцияси комбинати ишга туширилди ва пахтакорларга турли-туман маъдани ўғитлар, қишлоқ ҳўжалик зараркунандаларига қарши курашда ишлатиладиган захарли кимёвий моддалар етказиб берила бошланди. Шундан кейин шаҳарни йирик саннат марказига айлантириш бўйича бунёдкорлик ишлари янада кенг кўлабда давом эттириладирди. Йиллар ўтиб катор янги саннат тармоқлари корхоналари бирин-кетин қад ростлаб бошланди. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда Чирчиқда таъриф беришганда уни кимёгарлар шу билан бирга металлургия, энергетикалар, курувчилар

Чирчиқ: ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ БИЛАН

шарҳи дейишади. Унда ҳўжалик юритувчи субъектлар сони мингтадан ошиб кетди. Давлат мулки шаклидаги саннат корхоналари сони эса бир юз ўн иккитани ташкил этиб турипти.

Шу кунларда шаҳардаги меҳнат жамоаларининг қайси бирида бўлманг, қандайдир кўтаринки руҳини, гайрат-шижоатга тўла меҳнатнинг, уларда мамлакатимиз мустақилигининг ўн йиллигини муносиб нишонлаш, унга арзирли совғалар билан келиш, республика раванқиға баҳолиқудрат хисса қўиши, унинг буюк келажакни тезлаштириш иштиғки кучайиб бораётганлигининг шохиди бўласиз. Бу шаҳар иқтисодида катта салмоққа эга бўлган корхоналарда ҳам, кўшма корхоналарда ҳам, тадбиркорлик тузилмаларида ҳам у ёрқин кўзга ташланади.

Ўтган йили ва жорий йилнинг беш ойи давомида мамлакат халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида катта ҳажмдаги турли-туман қимматбаҳо маҳсулотлар етказиб берилди. Маъданий ўғитлар, қишлоқ ҳўжалик машиналари, қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидаб туролган металлургия, электр асбоб-ускуналари, кенг истеъмол буюмлари шулар жумласига қиради. Йиғирманчи асрнинг охири йилида амалдаги нарҳларда ишлаб чиқарилган саннат маҳсулоти ҳажми 20 миллиард 286,4 миллион сўмни ташкил этди. Бу олдинги йилдагидан бир ярим баравар кўпдир. Жорий йилнинг беш ойи мобайнида эса, унинг ҳамми ҳажми 9 миллиард 700 миллион сўмликка яқин бўлди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларидаги муайян қийинчиликларга қарамай кенг қўламдаги қурилиш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Биргина ўтган йили бу соҳада амалдаги нарҳларда 2 миллиард 222 миллион сўмлик қурилиш-йиғиш ишлари амалга оширилди ва олдинги йилдагига нисбатан деярли бир ярим баравар кўп иш бажарилди.

Шаҳарнинг инфратузилмасини ривожлантириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Масалан, «зангори олов» билан таъминлаш даражаси 94,3 фоизгача борди. Бу қулай ёқилги салкам 400 километрик узунликдаги қуварлардан тинимсиз оқиб, 45 минг 659 та

хонадонга кириб борапти. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси эса, деярли 100 фоизга етди. Чирчиқлик саннатчилар меҳнатлари меваси бўлган замонавий, мураккаб, сифатли, жаҳон мезонлари даражасидаги турли-туман маҳсулотлари мустақил мамлакатимиз доврўгини курраи замин узра ёйишга салмоқли хисса қўишмоқдаки, бу билан фарлансалар арзийди. Қатор етакчи корхоналар ўзларининг халқор микёсда ҳам рақобатбардош машина-меха-

Араб Амирликлари, Хиндистон, Хитой ва бошқа давлатларга етказиб берилди. «Чирчиқшиш» очик турдаги акциядорлик жамияти маҳсулотларини «Чунони, култиваторларни Озарбайжон, Туркменистон харид қилмоқда. «Ўзкимё» акциядорлик жамиятида тайёрланётган кимёвий ускуналар Россияга экспорт қилинмоқда. Умуман шаҳардаги йирик корхоналар тамғаси босилган ўн тўрт маҳсулот тури ҳорига ҳўнагилиб турипти. Саннатчилар экспорт, салмонини кўпайтириш учун жаҳон бозорини, унинг талабларини мунтазам ўрганиб бормоқдалар. Шу тўғайли экспорт ҳажми импорт миқдорига нисбатан ортик бўлишига эришмоқдалар. Жорий йил бошига келиб унда қатнашаётган меҳнат жамоалари ўн бештани ташкил этди. Шу йилнинг январь-май ойларида 4 миллион 123 минг АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорт қилинган бўлса импорт бундан деярли 1 миллион доллар кам бўлди.

Мустақиллик йилларида шаҳар қиёфаси сезиларли даражада ўзгарди. Унинг бағрида янги уй-жой даҳалари, маҳаллар пайдо бўлди, халқимизнинг миллий мейморчилик аъналарини қурилишларда, у катта ёки кичик иншоот бўлишидан қатъий назар, кенг қўлланиляпти. Миллий безаклар берилган, ташқи томони турли қошинлар билан қўпланиб, ён атрофга фойз киритиб турган иморатлар қад кўтаряпти.



Шаҳар халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида хотин-қизлар қўмитаси куч ҳисобланади. Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги ролини ошириш, манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга доим катта эътибор бериб келмоқда. Ушбу суратда шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Муяссар Ибрагимова (чапда) ва қўмита бош мутахассиси Муаззам Туробалеваларни шаҳар маҳалла жамғармаси раиси Алишер Маҳмудов билан навбатдаги масалани муҳокама қилётган вақтда кўриб турибсиз.

ишлари бўйича илмий бўлим мудирини Нурматов Раҳматилла Олтмишевич - Олмалик шаҳар Молия бўлими мудирини Маматқулов Абдураҳим Абдукаримович - Олмалик тоғ-металлургия комбинати рух заводи ишлаб чиқариш устаси Маҳмамов Салим Собирович - Олмалик шаҳар худудий тиббий бирлашмаси бош шифокорининг ўринбосарини Ошепков Валерий Евгеньевич - Олмалик тоғ-металлургия комбинати бўлим бошлигини Саломиддинов Нажмиддин - Олмалик шаҳар 14-касб-хунар мактаби директорини

Марказий сайлов комиссияси Раиси Н. КОМИЛОВ.
Тошкент шаҳри, 2001 йил 3 июль.

ВИЛОЯТ ҳаёти

«ИСТИҚБОЛ»ДА ГУЗАР

Паркент шаҳридаги кўплаб маҳаллалар ўз гузарларига эга бўлмоқдалар. Уларда аҳолига турли хизмат кўрсатувчи шахобчалар қурилиб, фойдаланишга топшириляпти. Яқинда 20-Истиқбол маҳалласида гузар бунёд этилди. Уни барпо этиш ишларига шу ерда истиқомат қилувчи тадбиркор Ахат Асроров бош-қош бўлди. Бу ерда янги чойхона ва шунга ўхшаш қатор бошқа шахобчалар қуриб битказилди. Тадбиркор ўз жамғармаси ҳисобидан ободонлаштириш ишларини ҳам амалга оширди. **Ўз мухбиримиз.**

«ЁШ ОНАЛАР» ТАНЛОВИ

Охангарон туманида ана шундай широк остидаги кўрик-танлов «Дўстлик» ва «Уват» қишлоқ фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтди. «Оналар ва болалар йили»га бағишланган бу тадбирда 25 ёшгача бўлган ёш оналар бола тарбияси, дастлабки тиббий ёрдамни кўрсатиш, пазандалик, уй тутиш ва бошқа шу каби соҳаларда ўз маҳсулотларини намойиш этдилар. «Уват» фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган бел- **Муқаддас АЛИЕВА.**

КИБРАЙДА «ФУТБОЛ ШОУ»

Кибрай тумани марказий ўйингоҳида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Давр овози» газетаси ҳамда республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими ҳонийлигида катта «Футбол шоу» тадбири бўлиб ўтди. Унда қизикчи Шукрулло Исроилов, хонандалар Анвар Ганиев, Руслам Маҳмудов, Дилшод Шометов, Бехзод Юсупов, Махаммадхон Абдуллаев ҳамда бошқа ҳаваскор санъаткорлар яшил майдонда ўзаро икки жамоага бўлиниб тўп сурдилар. Ўзига хос футбол мусобақасидан сўнг улар ўзларининг санъатлари билан ишқибозларни хушнуд этдилар. **Камолиддин АСКАРОВ.**

Шу сонга • Шу сонга ПАРКЕНТЛИКЛАРНИНГ ЗАЛВОРЛИ ХИРМОНИ

Шимоллий минтақа бўлишига қарамай, Паркент тумани галлакорлари давлатга дон сотиш режасини муддатидан илгари бажардилар.

Туман деҳқонлари ҳам сувли ерда, ҳам лалмида галла еттиштиришининг обдон ҳадини олишган. Чунони, 2375 гектар сувли майдондан хозиргача ўртай-йиғиб олинган буғдойнинг ўртача ҳосилдорлиги 47,3 центнерданга тўри келмоқда. Бу - вилоят бўйича энг юқори кўрсаткич. Лалмида ҳам паркентликлар 12,7 центнердан хирмон кўтармоқдалар.

Туман деҳқонлари кечаги кунгача давлатга режадаги 9570 тонна ўрнига 10238 тонна дон топширдилар. Суғориладиган ерда мўл ҳосил етиштирган «Бойқозон» ва «Гулбоғ» ширкат ҳўжаликлари режани 115-116 фоиз қилиб бажариб, туман меҳнатқашларининг умумий ютуғига салмоқли хисса қўишди. Оила пудратининг ҳадини олган бир қатор деҳқонлар, айникса, юқори натижага эришдилар. Чунони, «Бойқозон»дан Абдураззоқ Исмолов 77 центнер, Зиёд Ақромов 74 центнер, «Гулбоғ»дан Маъмур Қорабоев, Мурод Шамсиев ва Шуҳрат Назаров 67-68 центнердан хирмон уйдилар. Айникса, «Заркент» ширкат ҳўжалиги галлакорлари эришган ютуқни алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар асосан лалми ерлардаги буғдойдан 18 центнердан ҳосил олишга эришдилар. Яқин йиллар ичида бирорта туманда бу даражада юқори ҳосил олинмаганди. Ҳўжалик шу кунгача давлатга 770 тонна ўрнига 847 тонна сифатли дон етказиб берди. Шунингдек, «Сўхок» ва «Паркент» ширкат ҳўжаликларида ҳам лалмидан 14 центнерга етказиб ҳосил кўтарилди. Туманда уч минг гектарга яқин ўрилмаган галла қолди. Шу боис хозир ҳам куннига қирққа яқин комбайн билан ўрим-йиғим давом эттирилмоқда. Мақсад кечи билан 10 кун ичида барча ҳосилни саранжомлаб олишдир. **Самад ЙўЛДОШ.**


Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ
Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш тўғрисида
«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 12, 45-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қилади:
Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайловини ўтказувчи 14та округ сайлов комиссиялари қуйидаги тарихида тузилсин:

Тошкент вилояти бўйича 152-Олмалик округ сайлов комиссияси
Комиссия раиси: Аҳмедов Хасанали Абдиганиевич - «Узэлектромонтаж» трести Олмалик монтаж бошқармаси бошлиғи
Раис ўринбосари: Гайназаров Абдали Алматович - Олмалик шаҳар ҳўжалик ҳисобидаги дезинфекция станцияси бош шифокори
Комиссия қотиби: Пирогова Наталья Олеговна - Олмалик шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳуқуқшуноси
Комиссия аъзолари: Алимбоева Мақсуда Эрматовна - Олмалик шаҳар 7-ўрта мактаб ўқувчи директори
Марказий сайлов комиссияси Раиси Н. КОМИЛОВ.
Тошкент шаҳри, 2001 йил 3 июль.

ишлари бўйича илмий бўлим мудирини Нурматов Раҳматилла Олтмишевич - Олмалик шаҳар Молия бўлими мудирини Маматқулов Абдураҳим Абдукаримович - Олмалик тоғ-металлургия комбинати рух заводи ишлаб чиқариш устаси Маҳмамов Салим Собирович - Олмалик шаҳар худудий тиббий бирлашмаси бош шифокорининг ўринбосарини Ошепков Валерий Евгеньевич - Олмалик тоғ-металлургия комбинати бўлим бошлигини Саломиддинов Нажмиддин - Олмалик шаҳар 14-касб-хунар мактаби директорини

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

23-модда. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар».



Ўзбекистон жаҳондаги юзга яқин мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатиб, иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон ҳудудида анчагина чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар истиқомат қиладилар. Конституциянинг халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиқиб, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

вақтинча яшашларига қараб ҳуқуқий ҳолати турлича бўлиши мумкин. Доимий яшовчи чет эл фуқаролари Ўзбекистон фуқаролари эга бўлган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланадилар. Масалан, улар меҳнат қилиш, дам олиш, илм олиш, соғлиқни сақлаш, нафақа олиш, уй-жойга эгалик қилиш ва шу каби ҳуқуқларга эгадилар. Бундай шахслар, албатта ички ишлар органлари томонидан махсус руҳсатнома ёки яшаш учун ғувоҳнома олган бўлишлари керак.

Ўзбекистонда унинг фуқароси бўлмаган шахсларнинг айрим ҳуқуқлари чегаралаб қўйилади. Масалан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинчалик ҳамда бошқа давлат органларига сайлаш ва сайланиш, умумхалқ овози бериш (референдум)да қатнашиш, баъзи лавозимларни эгаллаш ва шунга ўхшаш ҳуқуқларга эга эмаслар. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон ҳудудида хоҳланган яшаш жойини танлаш ва бемалол кўчиб юриш ҳуқуқлари ҳам чекланган.

Конституциямизнинг 23-моддасига кўра, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг баъзи мажбуриятлари бажаришлари лозимлиги ҳам назарда тутилган. Бундай мажбуриятлар Ўзбекистон Конституцияси, тегишли қонунлари ва халқаро меъёрлар ҳамда шартномалар асосида ўрнатилган. Буларга кўра аввало чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳурмат қилишлари ҳамда уларга оғишмай риоя этишлари шарт. Улар бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари лозим. Чет элликлар ҳам Ўзбекистон фуқаролари сингари Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий, маданий меросини авайлаб-асрашга, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, республика қонунлари билан ўрнатилган тегишли бож тўловларини тўлашга мажбурдирлар. Лекин уларга Ўзбекистон Республикасида ҳарбий ёки муқобил хизмат ўташ, Ўзбекистон Республикасининг ҳимоя қилиш каби мажбуриятлар юклатилмайди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро ҳуқуқ меъёрларига содиқ қолиб, ўз ҳудудида яшовчи барча чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама кафолатлаб беради.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат Юридик институти ўқитувчиси.

Истиқлол туфайли миллий қадриятларимиз, бой маънавий меросимиз, тарихимиз қайта тикланиди ва тикланмоқда. Инсоният тараққиётида беқиёс аҳамият касб этган маънавиятимиз дурдонаси — «Авесто» китобининг 2700 йиллиги кенг нишонланиши эса ана шу улугвор ишларнинг узвий давоми бўлажак. Шу муносабат билан тарих фанлари доктори, профессор Мирсодиқ ИСҲОҚОВ ЎзА муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Халқимиз азалдан маънавий етуклик, юксак маънавият масалаларига катта эътибор бериб келади, — деб сўз бошлади олим. — «Авесто»да келтирилган ўлмас панд-насиҳатлар, қимматли ҳикоятлар ҳам шахсларнинг камолоти аждоқларимиз наздида бирламчи вазифа бўлганидан ёрқин далолатдир.

«Авесто» олимлар томонидан «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» қондасига асосланган умумбаشارий ахлоқ фалсафаси китоби, деб таърифланади. Бу — адолатли таъриф. Негаки, мазкур китоб мазмунан динийдан кўра кўпроқ ахлоқий-фалсафий қарашларни ўз ичига олади. Негаки, мазкур китоб мазмунан динийдан кўра кўпроқ ахлоқий-фалсафий қарашларни ўз ичига олади. Негаки, мазкур китоб мазмунан динийдан кўра кўпроқ ахлоқий-фалсафий қарашларни ўз ичига олади.

Ундаги «Танинг ва руҳинг соғлом бўлиши учун гийбатдан сақлан... Ҳазабдан ўзингни асра, чунки ғазаб туфайли инсон ўз мақсадларини, эзгу ишларини унутди... Инсон ҳасаддан ўзини эҳтиёт қилиши керак. Ҳасад туфайли ҳаётда ҳаловат йўқолади... Инсон ўз

ақл-идроки ёрдамидагина камол топиши мумкин. Ўзгалар молини олма, акс ҳолда ўзингникини йўқотасан... Оқил ҳукмдорнинг ишини қувватлаш фуқаронинг фарзидир.» — деган пурмаёно сўзлар айни кунларимизга ҳам тегишлидир.

Узоқ ўтмишда яшаб ўтган бобокалонларимизнинг барча яратувчилик, бунёдкорлик ишларида ана шу ҳаётбахш таълимот куч-қувват, илҳом манбаи саналган. «Авесто»нинг шу мазмун ва тоифадаги бошқа китоблардан ажратиб турувчи жиҳати шундаки, унга мувофиқ барча нарсалар, шу жумладан диний қадриятлар ҳам маънавий-ахлоқий негизга асосланади. Шунинг учун ҳам зардуштийликда маросимларни кўр-кўрона бажариш қораланади. Эътиқод сиқидилдан, хушёр руҳ билан бўлмоғи лозимлиги таъкидланади. Унда маънавий поклик ва юксак ахлоқ устувор ўринга қўйилган. Инсон қадр-қиммати, мартабаси унинг ҳаҳолат ва зулмига қарши мардонавор кураши билан белгиланиши эълон қилинган.

«Авесто» фалсафасининг яна бир муҳим жиҳати, меингча, ҳақиқатпарварлик ва

маърифатпарварликда намойиш бўлади. Унинг бошидан охиригача инсон жаҳонни теран идрок этишга, ҳар жиҳатдан билимли бўлишга, донони нодондан, яхшини ёмондан, покни нопокдан ажрата биришга, эзгуликларни кўпайтиришга, қабоҳат ва разолатни, айниқса яхлит разолат тимсолига айланган «ёлғон»ни йўқ қилишга даъват этилади.

«Авесто»нинг 2700 йиллигига

жараёндарини барча томонларини қамраб олган ҳуқуқий муносабатлар мажмуини ташкил этади, дейиш мумкин. Унда ҳалоллик ва поклик, одамларнинг вазифа ва бурчлари, мажбуриятлари белгилаб берилган, ижтимоий ва ахлоқий қарашларнинг бутун бир тизими ўз мужассамини топган.

қўяди. «Авесто»да акс этган юксак инсоний ғоялар жаҳон миқёсида маданий-маънавий ҳаётга улкан таъсир қуратгани фанда ва бутун дунёда чуккур эътироф этилмоқда. Бу эътироф китобнинг умумбаشارий мерос даражасига кўтарилганидан далолат беради.

Миллатимиз фахри, халқимиз бойлиги ҳисобланган «Авесто»нинг 2700 йиллиги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ мамлакатимизда кенг миқёсда нишонланиши айниқса қувончлидир. Қолаверса, ушбу санани нишонлаш ва беаҳдо меросимиз сарчашмасини чуккур ўрганиш билан боғлиқ барча тадбирлар жаҳон ҳамжамиятини энг эзгу, умуминсоний ғоялар атрофида жишлатиришга хизмат қилади. Бинобарин, ЮНЕСКОдек нуфузли халқаро ташкилот бу тўғрида махсус қарор қабул қилгани беҳиз эмас.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу китоб қадимий тарих, дин, этнография, тарихий география, ахлоқий-фалсафий қарашлар, астрономия, космогония, илоҳий ва бошқа кўплаб соҳалар учун қизқарли маълумотлар беради. Шу билан бирга у ўз моҳияти жиҳатдан илк баъдий ижод ва адабиёт обидаси ҳамдир. Уни чуккур тадқиқ ва таҳлил этиш, кенг халқ оmmasига етказиши олимларимиз олдида турган долзарб вазибалар сирасига қиради.

Элбек ХОЛИҚОВ,
(ЎзА).

ИЛК МАЪНАВИЙ ОБИДА



Шуниси диққатга сазоворки, «Авесто» кишиларни ростлик ва дурустлик йўлига ундар экан, инсон ҳаёти ва юрт равнақини таназзулга элтганидан қинғир амаллар тарафдорларига қарши дадил курашга чақиради.

Шу боис, миллий турмуш тарзимиз, урф-одатларимизда «Авесто»да келтирилган сонсаноксид удумлар ҳамон яшаб келмоқда. Уларнинг мавжудлиги маънавиятимизни янада юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу ҳол «Авесто»ни биз учун бой маънавий меросимизнинг муқаддас обидалари қаторига

ЁШЛАР — ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

Бугунги кунда ҳукуматимиз ва шахсан Президентимиз келажакимиз бўлиши ёш авлод таълим-тарбиясига, уларнинг ақл ва жисмонан соғлом, юрт қудратига қудрат, равнақига равнақ қўшуви қимматли инсонлар бўлиб етиштирилиши учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Бу борада ёшларни турли нопок йўللاردан, хавфли иллатлардан асраш ҳам бугунги куннинг энг долзарб вазибаларидандир.

— XXI аср вабоси — гиёҳвандлик ана шундай ёвуз офатлардандир. Ҳўш, гиёҳвандлик нима? Унинг асоратлари қандай? Бу оғир касалликдан тўзалиш мумкинми? Кўни кеча Ангрэн шаҳар касб-ҳунар коллежиде «Ёшлар гиёҳвандликка қарши курашда» мавзуда бўлиб ўтган тадбир иштирокчилари ана шу ва бошқа кўплаб саволларга жавоблар олдилар. Ушбу тадбир Тошкент вилоят Қизил ярим ой жамияти Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Миллий Кенгаши ва Ангрэн шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилди.

— Бугунги кунда гиёҳванд моддалар бутун инсоният саломатлигига, шу билан бирга давлатларнинг иқтисодий ривожини ва равнақига ҳам катта хавф солмоқда, — деди тадбирда сўзга чиққан Тошкент вилоят Қизил ярим ой жамияти кенгаши раиси М. Каримова. — Энг даҳшатлиси кейинги пайларда гиёҳванд моддалар истеъмол қилаётганлар орасида ёшлар кўпайиб бораётганлигидир. Йўлайманки, бугунги тадбир иштирокчилари гиёҳвандлик нафақат офат, балки, энг аввало ўзига ва ўз соғлиғига қаратилган жиноят эканлигига яна бир бор амин бўлдилар ва зарур ҳолларда ўз яқин кишиларига, бу боши берк кўчага адашиб кириб қолганларга маслаҳатлари билан ёрдам кўрсата оладилар.

Тадбирда ана шундай каллис йўлга кириб, гиёҳвандлик билан касалланиб, ҳозирда тўла даволанган, гиёҳвандликка қарши курашда «Умид» гуруҳи аъзолари ҳам иштирок этишди.

Тадбир

Тадбир иштирокчилари Ангрэн шаҳар ҳокими муовини Ф. Исроиловнинг ёшлар билан ишлаш борасида шаҳарда олиб борилаётган ишлар, Халқаро Қизил Ҳоч қўмитаси вакили Олег Овчаренко, Ўзбекистон ҚЯОЖ Миллий Кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими мутахассиси Марат Мирзажонларнинг гиёҳвандликка қарши кураш соғлом фикрлайдиган ҳар бир инсоннинг бурчи эканлиги ҳақидаги фикрларини диққат билан тингладилар.

Бу борада ёшларнинг ўзлари қандай мулоҳаза юришадилар? Тадбирда ёшлар гиёҳвандлик ҳақида нафақат ўз фикрларини билдиришди, балки бу офат, унинг оқибатларини акс эттирувчи плакат ва расмлари билан ҳам иштирок этидилар. Тадбир катнашчилари улар билан қизиқчи танишиб чиқдилар. Томошабинлар энг яхши деб тоғган асарлар муаллифлари муносиб тақдирландилар. Жумладан, Оҳангарон шаҳридаги 4-мактаб ўқувчиси Сусанна Багъмяннинг «Гиёҳвандликка йўл йўқ» ва «Гиёҳвандлик даҳшатли асарлари 1-ўринга муносиб топилди. Ўртачирчилик Иштиёр Абдукаримов ва ангрэнлик Дияра Фозуроваларнинг бу мавзудаги асарлари 2-ўринга сазовор бўлди. Шунингдек, Ангрэн давлат педагогика институти ва маънавий хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи талабалари чизган плакат, расмлар ҳам гольд-блар қаторида тақдирланди.

Зулхумор ЖҲРАЕВА.

10 АСРГА ТАТБИҚИЙ ИЛМЛАР

3. Кичик ва ўрта бизнес: иқтисодиёт келажаги

Шаҳарда кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш ишлари кенг кўлаabda ва жадал олиб боришмоқда. Шу мақсадда кичик ва ўрта бизнесни ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳаракат қилинапти. Чунки, бу соҳа келажакда иқтисодиётнинг етакчи ва салмоқли тармоқларидан бири бўлиб қолиши керак. Республикаси Президентини таъкидлаганидек, бизнинг халқимизга муносаб ва фаровон ҳаёт яратиш йўлидан олға юришимиз кўп жиҳатдан ана шу хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳасида амалга ошириш билан боғлиқ. Шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг қанчалки юқори суръатда ривож топишига узвий боғлиқ. Барчамиз шу оддий ҳақиқатни яхшилаб тушуниб олишимиз шарт.

Маҳаллий ҳокимият органлари, мутасадди ташкилотлар иқтисодиётнинг халққа энг яқин, уни иш билан таъминлаш ва ишсизликни тугатишнинг энг самарали шаклини юксалтиришга доим катта аҳамият беришмоқда. Кейинги вақтда бу ишлар шаҳар ҳокимиятининг қарори билан таъминланган 2000-2001 йилларда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастури асосида олиб борилапти. Уни амалга ошириш оқибатида қўшимча 126та кичик ва ўрта бизнес тузилмаларини барпо этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмида уларнинг улушини ҳозирги 17 фойздан 19 фойзгача кўпайтириш, 507та янги ишчи ўринлари барпо этиш, 1257 кишини иш билан таъминлаш назарда тутилган.

Хусусий тадбиркорликнинг бу тузилмаларини қўллаб-қувватлаш юзасидан бутун бир тизим яратилган. Унинг таркибига ювтар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Давлат-мулкқиммати бўлиmlлари, тадбиркор аёллар уюшмаси,

Чирчиқ: ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ БИЛАН

Ҳозирча бу соҳадаги улуши 3,4 фойзга етган бўлса ҳам унинг тез ортиб бориши кўтиляпти. Яқка тартибда меҳнат билан шуғулланиш истагини билдирганлар ҳам бутун чоралар билан қўллаб-қувватланмоқда. Уларга барча зарур ёрдам кўрсатиляпти. Ҳозирги вақтда 1200 нафарга яқин чирчиқликлар шундай меҳнат тури билан банд.

- **Шаҳарда газ билан таъминланган хонадонлар сонин 45 миң 659тага етказилиб бу соҳада деярли 100 фойзга эришилган.**
- **Чирчиқликларни ичимлик суви билан таъминлаш кўрсаткичи анча юқори бўлиб, у 46339та хонадонга кириб борди.**
- **Шаҳар меҳнаткашлари 5та касалхона, 11та поликлиника хизматидан фойдаланмоқда.**

ҳам йил сайин ортиб борапти. Биргина утган йили унга қарашли саноат корхоналари 676 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу билан ўсиш суръати олдинги йилдагига нисбатан 16,4 фойзини ташкил этди. Амалга оширилган қурилиш-йиғиш ишлари ҳажми 518 миллион сўмга етди ва 4 фойз ортиди. Товар айланмаси ҳажми 1 миллиард 799 миллион сўмга бориб, 63,7 фойзга кўпайди.

Қатор хусусий фирмалар товар айланмасини сезиларли ошириб бо-

ришяпти. Масалан, «Шамс», «Келажак-С» фирмаларининг бу кўрсаткичи 100 миллион сўмдан ошқ бўляпти. «Даврс», «Руслан»ларники 20 миллион сўмга етаяпти.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари жамоалари жорий йилда иш ҳажми ва турини кўпайтириши давом эттирмоқда. Шунини айтиш қийоқки, йилнинг ўтган биринчи чора-да бу тузилмалар ишлаб чиқарган маҳсулотларини солиштирдан, бажарган ишлари ва кўрсатган хизматидан тушуш 1 миллиард 559,8 миллион сўмин ташкил этди.

Шаҳардаги тижорат банклари кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга маблағ билан

йили шундай мақсадлар учун 875 миллион сўмдан ортиқ маблағ берилган эди. Жорий йилнинг беш ойи давомида тижорат банклари фақат ўз маблағларидан 80 миллион сўмлик кредитлар билан қарашдилар. Бу маблағни кичик ва ўрта бизнеснинг 13та субъектлари олди ва ўз эҳтиёжи учун ишлатди. Чунончи, «Шамс-АА» хусусий фирмаси олинган кредит эвазига экологик соф маъдани сувни идишларга қўйиш бўйича линияни фойдаланишга топширди. «Латифа» хусусий фирмаси эса ЎзДЭУ ва Ўзқўнватот автомобиллари учун олди ойна тайёрлаш бўйича ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлади. Чорвачилик-

ка иختисослашган «Рассвет» ширкати эса нутрия ҳўжалиги

ёрдам кўрсатиш ҳажмини ошириб боришяпти. Ҳом ашв, асбоб-ускуналар харид қилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун кредитлар ва микрокредитлар ажратилмоқда. Утган

СУРАТЛАРДА: «Чирчиққийлоқмаш» акциядорлик жамияти устаси Ахтем Ажамметов (ўнгда) ва тоқар Мўйлиб Қолимбетов таъминланган детал сифатини текширмоқдалар (ўнгда); Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металл қомбинатининг илғор сым ўроччиси Раиса Реука ш устиде.



Биринчи қалдирғочлар

Уч йил муқаддам Ангрэн шаҳридаги радиотехника касб-ҳунар коллежига 167 нафар талаба қадам қўйган эди. Кўни кеча уларга мустақил ҳаётга йўлланма берувчи дипломлар топширилди.

— Мен бугунги замон учун ноёб ва зарур бўлган касб — ЭХМ оператори мутахассислигини эгалладим, — дейди битирувчи Муножот Акромова. — Компьютерда бемалол ишлаш оламан. Иш жойим ҳам аниқ. «Тадбиркорбанк»нинг Ангрэн бўлимига ишга тақлиф қилишяпти. У ерда ишлаб чиқариш амалиётини ўшаган эдим, олган билимим мустаҳкам экани банкларига маъқул келди.

— Тўғриси, коллежга ўқишга хоҳламайгина келгандим, — дейди Инноцентий Хан. — Аммо ҳозир бу ерда ўқиганимдан ҳеч ҳам афсусланмайман. Уч йил қандай ўтиб кетганини, рости, сезмай ҳам қолдим. Коллеж 600 ўқувчига мўлжалланган. Бу ерда радиотехника ва телеаппаратураларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, ЭХМ ҳамда компьютер тизимини монтаж қилиш, ўрнатиш ва хизмат кўрсатиш, пайвандлаш, буггалтерлик ҳисоби йўналишларида мутахассислар тайёрланади. Сақизта замонавий жиҳозланган кабинет, олти та ишлаб чиқариш устанонаси мавжуд. Газ-электрпайвандлаш майдо-ни, электрон ҳисоблаш машиналари зали, техник ижодиёт кабинети ҳам талабалар иштироқиде.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА муҳбири.

